



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfséries.com

7th January, 2025

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАРНИ ҚУВВАТЛАНТИРИШ СТАНЦИЯЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДА ДОЛЗАРЪЛИЛИГИ

Махмудов Равшан

Ўзбекистон миллий метрология институти

Электр ва магнит катталиклари ўлчаш

бўлими бошлиғи.

Мамлакатимизда электромобиль тармоғини ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш қамровини оширишга қаратилган ташаббуслари бугун амалиётда ўз ифодасини топмоқда. “Яшил” иқтисодиётга ўтишни жадаллаштириш, электромобиллардан фойдаланишни оммалаштириш ва уларни қувватлантириш станциялари тармоғи яратилишини рағбатлантириш ва ривожлантириш мақсадида давлат раҳбарининг 2022 йил 19 декабрдаги “Электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-444-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг якунига қадар республикада электромобилларни қувватлантириш станциялари сонини камида 2500 тага етказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган. Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан фойдаланишда бўлган электромобилларни қувватлантириш станцияларини метрологик текширувидан (қиёслаш) ўтказишга бўлган эҳтиёж ўрганилди.

Республикада ҳозирда мавжуд электромобилларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлар ва хусусий тадбиркорлар томонидан импорт қилинаётган электромобиллар сони кундан кунга ортиб бормоқда.

Маълумот учун: Республика божхона ҳудудига 2023 йил (январь-октябрь) ҳолатига хориждан қиймати 805,8 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 30337 та электромобил ва гибрит автомобиллар импорт қилган. 2024 йилнинг мос даври (январь-октябрь) ҳолатига солиштирилганда электромобиллар импорти қарийб 51416 тага (70 фоиз) ошган.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

Шу билан бирга, истеъмолчилар томонидан электромобилларни қувватлаш станцияларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ҳам кундан кунга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддаси мувофиқ метрология текшируви ва давлат метрология назорати татбиқ этиладиган соҳалар, жумладан моддий бойликларни ва ёқилғи-энергетика ресурсларини ҳисобга олиш соҳаларида фойдаланишда бўлган ўлчаш воситалари метрология текширувидан ўтказилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 319-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш учун ўлчаш воситаси метрологик қиёслашдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлган ҳисоблагичлардан қўллаш лозимлиги белгиланган.

Маълумот учун: Бугунги кунда электромобилларни қувватлантириш станциялари учун OIML G 22 “Электромобиллар учун қурилмалар (EVSE): Метрологик ва техник талаблар. Метрология текшируви ва эксплуатация синовлари” ва IEC 61851-1:2013 “Электромобиллар токўтказувчи қувватлаш тизимлари. 1 қисм. Умумий талаблар” халқаро нормалар мавжуд.

Бу эса ўз ўрнида истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш, автомобилларни қувватлаш жараёнида уларнинг хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш, истеъмолчи ва электр таъминотчи корхона ўртасида мунозарали вазиятларни олдини олишга хизмат қилади.

Бугунги кунда олиб борилаётган сайи ҳаракатлар, таҳлиллар бу йўналишда бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда, жумладан: мамлакатимизга импорт қилинаётган электромобилларни қувватлантириш станцияларининг мувофиқлигини баҳолаш жараёнларида нормаланган метрологик хусусиятлари меъёрий талабларга мослиги текшириш амалиёти мавжуд эмаслиги;

фойдаланишда бўлган электромобилларни қувватлантириш станцияларинининг даврий қиёслашдан ўтказувчи метрология лабораториялари мавжуд эмаслиги;



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th January, 2025

Маълумот учун: Ҳукумат қарори билан мамлакатда 2024–2025 йилларда электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тасдиқланди. Унга кўра, 2025 йил охиригача Ўзбекистон бўйлаб

32,4 минг та электромобилларни қувватлантириш станцияларини ўрнатиш режалаштирилган. Уларнинг деярли тўртдан уч қисми уй-жойлар атрофидаги автотураргоҳларга тўғри келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, электромобилларни қувватлантириш станцияларини метрология текшируви қамровини тизимли равишда жорий этиш мақсадида:

Соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида мавжуд электромобилларни қувватлаш станциялари қиёсловдан ўтказиш учун зарур намунавий ўлчаш воситалари билан жиҳозланган 13 та мобил лаборатория фаолиятини жорий этиш;

электромобилларни қувватлантириш станциялари метрология текширувини жорий этиш бўйича мақсадида халқаро стандартлар билан уйғунлашган миллий стандартларни жорий этиш;

электромобилларни қувватлантириш станциялари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт бўйича метрология текшируви асосида олиб кирилишини жорий этиш;

фойдаланишда бўлган электромобилларни қувватлантириш станцияларинининг даврий қиёслашдан ўтказилмасдан фойдаланилишини чеклаш.

Мазкур таклиф маъқулланган тақдирда, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан электромобилларни қувватлантириш станцияларинининг метрология текшируви жорий этилиши бўйича ишларни амалга ошириш бошланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, электромобилларни қувватлантириш станцияларини метрология текшируви қамров Ҳукумат қарори билан мамлакатда 2024–2025 йилларда электромобиллардан фойдаланиш инфратузилмасини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тасдиқланди.



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfséries.com

7th January, 2025

Унга кўра, 2025 йил охиригача Ўзбекистон бўйлаб 32,4 мингта электромобилларни қувватлантириш станцияларини ўрнатиш режалаштирилган. Уларнинг деярли тўртдан уч қисми уй-жойлар атрофидаги автотураргоҳларга тўғри келади.

Давлат тасарруфидаги бўш турган, шунингдек, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат корхоналари ҳудудида станцияларни ўрнатиш жойи «K-Savdo»да электрон онлайн-аукцион орқали ижарага берилади.

Бунда станцияларни қуриш учун барча шароитларга эга ўрнатиш жойлари «яшил» тоифа, қўшимча коммуникация тармоқларини қуриш заруратига эга жойлар «сарик» тоифа сифатида белгиланади. Уларни қуриш эса ғолиб томонидан амалга оширилади.

Ҳудудларда станциялар ўрнатиладиган ҳудудлар 120 ойгача фойдаланиш ҳуқуқи билан аукцион орқали сотилиши ёки ижарага берилиши мумкин. Бунда электр таъминотининг техник ҳолати ва мавжуд қувватлардан келиб чиқилиши керак.

Агар ижарага бериладиган жойда ғолиб 6 ойгача станциялар ўрнатмаса, ижара шартномаси бекор қилинади ҳамда ер участкаси, кўчмас мулк қайтадан аукционга чиқарилади.

Энергетика вазирлигига «Худудий электр тармоқлари» билан йил якунигача ягона энергетика тизимида қувват танқислиги даврларида корхона томонидан тадбиркорлар ва аҳоли ўрнатадиган станциялар истеъмол қувватини камайтириш имкониятини яратиш бўйича таклифларни ҳукуматга киритиш топширилди.

Шунингдек, 2025 йилнинг 1 февралидан янги лойиҳалаштирилладиган автотураргоҳларнинг камида 5 фоизи (битта жойдан кам бўлмаган ҳолда) электромобилларни қувватлантириш станцияларини жойлаштириш учун ажратилади.

Бунда давлат органлари, савдо ва бизнес марказлари, кўнгилочар ва дам олиш масканлари, АЙҚШлар, меҳмонхоналар, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўллари бўйидаги инфратузилма объектларидаги «парковка»лар назарда тутилган.



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfservices.com

7th January, 2025

Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини, юқори ва паст кучланишли тармоқларни модернизация, реконструкция қилиш ва таъмирлаш дастурларини ишлаб чиқишда стансиялар ҳамда уларнинг ягона электр энергетикаси тизимига юкламасини инобатга олиш талаб этилади.

Якка тартибдаги ва кўп квартирали уй-жойлар ҳудудида, шу жумладан, кўп квартирали уй-жойлар автотураргоҳларида 22 кВт энг юқори қувватга эга стансиялар ўрнатилади. Тадбиркорлар кўп квартирали уйларнинг фақат автотураргоҳларида стансиялар ўрнатишлари мумкин.